БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИДА НАТИЖАДОРЛИККА ЭРИШИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Тўхтабаев Абдурашид Турсунович
(иқтисод фанлари номзоди, профессор. Андижон давлат техника институти “Бухгалтерия ҳисоби ва мемнежмент” кафедраси профессори)
https://doi.org/10.5281/zenodo.17287471

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги босқичи бугун макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаб, халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини тубдан яхшилашда асосий замин бўлмоқда.

Бугунги тараққиёт йўлимизнинг таҳлили дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар оқибатида келиб чиқаётган ижтимоий-иқтисодий бўҳронларни, жаҳон бозорида конъюнктура кескин ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётганини албатта ҳисобга олишни, шу асосда давлатимизни барқарор ва жадал ривожлантириш учун янгича ёндашув ва тамойиллар билан ишлашни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган 2023-2030 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида аввало, мамлакат ривожининг асоси бўлган инсон қадрини улуғлаш ва унинг капиталини ривожлантириш ҳамда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суратларини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг ҳаёт даражасини юксалтириш ва фаровонлигини ошириш каби устивор вазифалар ва мақсадларни амалга ошириш белгиланмоқда.

Ушбу **стратегияда кўзланган марраларга эришиш қаторида** иқтисодиётни янада ривожлантиришнинг янги имкониятлари ва заҳираларини ишга солиш, худудларнинг мавжуд ҳом ашё ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш эвазига уларни жадал ва мувозанатли ривожланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўриш лозимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз[1].

Жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уларни энг замонавий, илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, инновация жараёнларини такомиллаштириш, илм-фан, техника соҳаларида янги ишланмаларни яратиш ва жорий қилиш, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини замон талаблари асосида ташкил қилиш зарур бўлмоқда.

Шу билан бирга, миллий иқтисодиёт салоҳиятини ошириш йўллари ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, ҳар бир соҳанинг стратегик мақсадларини аниқ белгилаш ва режалаштиришни ташкил этиш. Шунингдек, инсон капиталини ривожантириш, корпорация маданиятини шакллантириш, рақамли технологиялар ва сунъий интелектни тадбиқ қилиш каби ўта муҳим масалаларни ҳал этиш зарур бўлмоқда.

Айни пайтда илғор технологиялар, инновацион ишланмалар ва илм-фан ютуқларини жорий қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш асосида сифатли, арзон ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, уларни жахон

бозорларига “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди билан олиб чиқиш биринчи галдаги вазифага айланди.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш ва ижросини таъминлаш билан бир қаторда бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий жараёнларга мамлакатнинг келажакка йўналтирилган мақсадлари йўлида таъсир кўрсатувчи бошқарув тизимларини, унинг энг илғор усул ва услубларини жорий этиш зарур бўлиб қолмоқда[2].

Булар барча соҳа ва тармоқларга замонавий менежмент ва маркетингни жорий қилиш ва бу йўналишга кадрлар тайёрлашни янги талаблар асосида ташкил этишни тақазо этмоқда. Таъкидлаб ўтилган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий устивор йўналишларини амалга ошириш кўп жиҳатдан етук мутахассисларга боғлиқлиги барчамизга аён. Бугунги давр, илм-фан ютуқларини эгаллаган ва замонавий билимга эга бўлган мухандис-технологлар, корпоратив бошқарув менежерлари, маркетологлар, иқтисодчилар, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасида дастурчиларни тайёрлашни тубдан кучайтиришни талаб этмоқда.

Айниқса, олий ўқув юртларида сардорлик (лидерлик) қобилятига эга бўлган ёшларни излаб топиш ва улар билан алоҳида ишлашни ташкил этиш, бошқарув соҳасини замон талаблари, илғор хорижий тажрибалар ҳамда ўзимизнинг миллий қадриятлар ва хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солиш ва такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқотларни йўлга қўйиш ва уларни тижоратлаштириш масалалари ҳам бугуннинг долзарб ва устивор вазифасига айланди.

Чунки, айрим тармоқ ва корхоналарда маҳсулот бозорлари ва ташкилот ҳолатини таҳлил қилиш, унинг кучли бош омилларини баҳолаш, стратегик ривожланишни белгилаш, маҳсулот бозорларини тадқиқ қилиш, ички ва ташқи боғланишларни мувофиқлаштириш, шартномавий ва ўзаро тўлов муносабатларини тартибга солиш, айниқса, ишлаб чиқариш ва бошқариш самарадорлигини таъминлашда ҳамон оқсоқликларга йўл қўйилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Амалиётчи кадрлар билан суҳбатларда уларнинг замонавий бошқарув, унинг самарадорлигини таъминлаш, лойиҳавий таҳлил ва бошқарув жараёнларига тизимли ва ҳолатли ёндашув масалларида билим ва кўникмалари етишмаётганлиги намоён бўлмоқда. Бу эса кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ушбу йўналишларга алоҳида эътибор қаратишимиз зарурлигини кўрсатмоқда.

Миллий тараққиётимизнинг бугунги босқичида ихчам, профессионал, халқимиз талабларига жавоб берадиган, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган бошқарув тизимларини шакллантириш муҳим вазифа бўлиб турибди.

Айни пайтда, бошқариш тизимларини такомиллаштириш жараёнида бир қатор ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжуд. Уларни хал этиш бугун барчамизнинг олдимизда турган муҳим масалалардан биридир.

Ўзбекистонда бошқаришни такомиллаштиришда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлмоқда. Жумладан:

- бозор механизмларини тўла шакллантиришга;
- жамиятнинг маҳсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёжи тузилишининг ўзгаришига, унинг аввало, истеъмол товарларига бўлган талабларини қондиришга ҳамда уларни энг илғор ва замонавий илм-фанга асосланган технологияларда ишлаб чиқаришга[3[;

- иқтисодиёт таркибий тузилишини янада яхшилашга ҳамда ушбу мақсадда хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиниши учун шароит яратишга;
- ички ва ташқи рақобатнинг кучайишига;
- бошқарувнинг профессионаллашувига ва ижтимоий аҳамиятини ортишига ҳамда уни баҳолашнинг зарурлигига;
- бошқариш кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга.

Ушбу ва бошқа омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда бошқарув тизимларини янада такомиллаштириш борасида амалий ишлар ва ислоҳотлар тизимли давом эттирилиши талаб этилади.

Бошқарув тизимларини такомиллаштириш, тизимга замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш, уларнинг дастурий ва таҳлилий қувватидан кенг фойдаланиш асосида бошқарув жараёнларида оптимал қарорлар қабул қилинишига эришиш, унинг самарадорлиги ва натижадорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга корхона бошқариш тизимларини замон талаблари асосида ташкил этиш ва ривожлантиришда раҳбарлар, менежерлар ва ишчи-ходимлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, дўстона муносабатлар руҳини шакллантириш ҳамда оқилона қадр-қимматлар тизимини яратиш бугуннинг энг долзарб масаласи эканлигидан келиб чиқиб, уларда бошқариш тизими ва усулларининг инсонга қаратилишини ҳамда ягона организм каби ишлашини таъминлаш, шунингдек қуйидаги бош мақсадларга эришишга йўналтиришимиз зарур бўлмоқда:

- ресурслардан унумли фойдаланиш ҳисобига камхаржликка эришиш;
- маҳсулот сифатини мунтазам ошириб бориш;
- товарлар ва хизматларнинг истеъмолчига қулайлигига эришиш;
- белгиланган мақсадлар атрофида бутун жамоани жипслаштириш;
- жамоада оқилона ижтимоий-психологик муҳитни яратиш;
- бошқаришда жамоани тўла иштирокини таъминлашга эришиш[4].

Корхона бошқариш тизимининг олдида турган яна бир муҳим масала – бу бугун барча соҳаларда ходимлар иш ҳақини ошириш ҳамда уларни меҳнатига яраша моддий ва маънавий рағбатлантиришга эришиш бўйича аниқ вазифалар белгиланмоқда. Бу албатта ижобий ҳол. Бироқ, ишловчилар меҳнатини рағбатлантиришда тенглаштиришга ва адолатсизликка йўл қўймаслик кераклиги ҳам бор гап. Шу муносабат билан моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмларини жиддий такомиллаштиришимиз талаб этилади. Энди ушбу механизмлар корхоналарда натижадорликка эришишга, хусусан якуний натижаларни таъминлашга ишлаши лозим.

Бугунги шароит корхоналарда ходимлар манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, моддий рағбатлантириш механизмларини тубдан янгилаш, уларнинг бурч ва мажбуриятларини бажаришлари бўйича масъулиятини ошириш, юқори фойда билан ишлашга ундовчи омилларни кучайтиришни ҳам тақозо этмоқда[5].

Айни пайтда таълим тизими, айниқса, барча соҳага бўлажак кадрларни тайёрлашнинг таянчи бўлган олий ўқув юртлари фаолиятини замон талаблари асосида янада

такомиллаштириш, таълим хизматлари сифатини жаҳон андозалари даражасида таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, республикамиз ва ривожланган хорижий мамлакатларда тўпланган илғор тажрибани атрофлича ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини мутлақо янгилаш лозим бўлмоқда. Чунки, бу жараён мунтазамлик ва давомийликни талаб этади.

Мухтасар айтганда, бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳа ва йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш, олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш эркин бозор талабларига тўла жавоб берадиган бошқариш тизимларини янада мукаммаллаштиришга ҳамда ҳар жиҳатдан етук, билимли ва малакали мутахассисларга, юксак интелектуал салоҳият ва тажрибага эга бўлган кадрларга бевосита боғлиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари.–Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020 й.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2021 й.
3. Rioki W.Griffin. Fundamental of menegement. 8 th Edition. 2015. – 510p.
4. Тўхтабоев А. Менежер фазилатлари. Ўқув қўлланма. –Т.: «MATRIX PRINT» МЧЖ нашриёти, 2008й. 172б.
5. To’xtaboyev A.T. Tashkiliy xatti-harakatlar. Darslik. –T.: “Universitet”, 2021y. 260 b.
6. Yuldoshev N.K,, Nabokov V.I. "Menejment nazariyasi". Darlik. – T.: TDIU, 2013.- 433 b.